

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ ХАСАНАЛИ ИКРОМОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА РИГИД ЯССИ ОЁҚЛИКНИ ХИРУРГИК  
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22-травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation abstracts of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Умаров Хасанали Икромович**

Болаларда ригид ясси оёқликнинг хирургик  
даволашни оптималлаштириш..... 3

**Умаров Хасанали Икромович**

Оптимизация хирургического лечения  
ригидного плоскостопия у детей ..... 25

**Umarov Hasanali Ikromovich**

Optimization of surgical treatment  
of rigid flat feet in children ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ ХАСАНАЛИ ИКРОМОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА РИГИД ЯССИ ОЁҚЛИКНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 - травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3. PhD/Tib4967 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ва Миллий ахборот агентлиги порталида ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) жойлаштирилган..

**Илмий раҳбар:**

**Ходжанов Искандар Юнусович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Уринбаев Пайзилла**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамроев Фарход Шарофович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

**Республика болалар ортопедияси маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э. Ирисметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**У.М. Рустамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**А.П. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясига аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ригид ясси оёқ касаллиги муаммоси замонавий болалар ортопедиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг охирги янгиланган маълумотларига кўра, «...болалар ва ўсмирлар орасида барча ортопедик касалликларнинг 15-20 %ни ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Касаллик болаларнинг ўсиши билан барқарор сурункали патологияга айланиб, эрта ногиронликка олиб келади ва қомат бузилишига, оёқларда веноз қон оқимининг қийинлашишига, ички аъзолар фаолиятининг бузилишига, натижада ҳаёт сифатини пасайишига сабабчи бўлади.

Жаҳонда болаларда ригид ясси оёқ касаллигини даволашда қатор замонавий жаррохлик усуллари ишлаб чиқилмоқда, жумладан амалиёт техникаси ва ҳажми бўйича фарқланувчи анатомик ва биомеханик ҳолатларни тикловчи жаррохлик усуллари, ошиқ суяги ҳолатини ўзгартирган ҳолда пай-мушакни кўчириб ўтказиладиган амалиётлар такомиллаштирилмоқда. Суяк тўқимаси аутотрансплантатлари ва турли фиксаторлар қўлланилмоқда. Бўғим ҳаракатлари доирасини ўзгартирувчи операциялар, товон суяги дўнги остеотомиясининг турли вариантлари - товон суяги дўнгини сирғанма ва ёпиқ бурчакли остеотомия усуллари, шунингдек тўпиқ усти остеотомиясининг турли вариантлари ҳамда катта болдир орқа мускул пайини қисқартириш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Ишланма ва илмий янгиликларнинг самарали натижаларига қарамай, ушбу касалликнинг патогенетик элементлари етарли даражада изоҳланмаганлиги ҳамда оёқ панжасидаги нерв-мушак механизми борасидаги маълумотлар етарли эмаслиги муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимояси, ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, жумладан, оёқ панжаси туғма ва орттирилган касалликларини хирургик даволаш ва турли асоратлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларда қуйидаги йўналишларда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш бўйича чоралар белгиланган. Тиббий хизматнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, «...самарадор моделларни яратиш орқали соғлом турмуш тарзи ва касалликлар олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифаларни амалга ошириш болалар орасида ригид ясси оёқ касаллигини эрта ташхислаш, уларга ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технологиялар орқали касаллик кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони,

<sup>1</sup> Гацкан О.В. / Лечение плоскостопия: обзор Российской литературы // Международный научно-исследовательский журнал, 2021;1:3:15-23.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-60-сон Фармони

2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2022йил 24февралда ПФ-78-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар» фармонини белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Танланган мавзу «тиббиётда касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг янги технологик усуллари ишлаб чиқиш орқали аҳоли саломатлигини сақлаш» НТП-11 тадқиқот режасига тўлиқ мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оёқ панжаси муҳим таянч ва ҳаракат фаолиятини таъминлаб, таянч ҳаракат тизимида турли ички ва ташқи факторлар оқибатида патологик ўзгаришларга дучор бўлади, ҳамда кўп ҳолларда организм статик ва динамик функциянинг бузилишига олиб келади [Карданов А.А. ва ҳаммуал., 2021]. Подиатрия амалиётида болаларда ясси ригид оёқ касаллигида 100 дан зиёд жарроҳлик усуллари қўлланилишига қарамасдан оптимал даво усули мавжуд эмас. Ригид ясси оёқ касалликда бажариладиган барча жарроҳлик амалиётлари 4 гуруҳга бўлинади, яъни булар юмшоқ тўқималарда, суяк тўқимасида, бўғимдан ташқи ва бўғим ичи жарроҳлик амалиётлари [Wang S. et. al., 2021]. Кўпинча яхши натижаларга ушбу жарроҳлик амалиётларини комбинацияда амалга оширилганда эришиш мумкин [Зубков П.А. ва ҳаммуал., 2020; Tan J. N. et al., 2021]. Амалиётлардан сўнг турли кўринишдаги асоратлар ва касалликнинг рецидивланиш ҳолатлари юқори 23,7%ни ташкил этмоқда. Патологиянинг кўп компонентлилиги ва келиб чиқишида кўп этиологик факторларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир клиник ҳолатда индивидуал ёндашув ва жарроҳлик тактикасини танлаш талаб қилинади [Дубровин Г.М. ва ҳаммуал., 2022; Багрецова Е.А. ва ҳаммуал., 2024; Caravaggi P. et. al., 2023]. Ригид ясси оёқ касаллигининг жарроҳлик усулида даволаш натижаларига бағишланган замонавий адабиётлар таҳлили, оёқ панжасидаги яссилик ҳолатининг айрим структур ўзгаришларининг бартараф этиш ёки тиклашга қаратилган. Кўп жарроҳлик муолажалари натижалари оёқ панжасининг тўлақонли анатомияси, физиологияси ва биомеханикасини тиклай олмасликдадир [Кавалерский Г.М. ва ҳаммуал., 2018]. Ясси оёқ касаллигининг хирургик усулда даволаш арасеналида ошиқ суяги ости артроэрези жарроҳлик амалиёти оёқ панжаси ички гумбазини тиклашнинг кам жароҳатли ва юқори натижадор усули сифатида эътироф этилади [Кожевников О.В. ва ҳаммуал., 2021; Thévenin-Lemoine C. et al., 2024;]. Болаларда бажариладиган ортопедик жарроҳлик амалиётларининг ўзига хослиги, оёқ панжасининг ўсиш этапларида компенсатор механизмларнинг шаклланишига таъсирини баҳолашга қаратилиши лозим [Кенис В.М., Сапоговский А.В., 2024].

Ўзбекистонда ригид ясси оёқ касаллигининг хирургик даволаш соҳасида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу борадаги асосий йўналишлар тавон суяги остеотомияси (heel bone osteotomy) – тавон суяги медиализацияси, субталар артродези – оёқ ошиқ бўғимларини барқарорлаштириш, катта болдир орқа мускул пайини қайта конструкция қилиш орқали оёқнинг функцисини яхшилаш масалаларига бағишланган [Равшанов Ш.Н., Эргашев М., Худоёров Ф., 2021йил]. Артроэрез (sinus tarsi implant) – болаларда мобил ясси оёқликни ривожланишини тўхтатиш учун, баъзи ҳолларда ригид турларда ҳам қўлланилган [Зокирходжаев М.А., 2024йил].

Ҳозирги вақтгача ригид ясси оёқ касаллигидаги деформациянинг барча патогенетик элементларини тиклашга қодир бўлмаган суяк ва юмшоқ тўқималарда бажарилмаган жарроҳлик амалиётлари қўлланилган [Вавилов М.А. ва ҳаммуал., 2021; Siebert M. et al., 2021]. Бу ўз навбатида ригид ясси оёқ касалиги патологиясининг барча суяк-бўғим ва юмшоқ тўқима компонентларидаги ўзгаришларни баҳоламаслик билан боғлиқ бўлиб, қониқарсиз натижалар ва қайталаниш ҳолатларининг асосий сабабларидандир [Мацевич Д.И. ва ҳаммуал., 2018; Lemoine C. et al., 2019; Siebert M. et al., 2021]. Оёқ панжаси мураккаб анатомик тузилиши, унга доимий юқори статик юклама борлиги, оёқ панжасидаги диспластик ўзгаришлар ва жарроҳлик даво усулларидадан кейин юқори қониқарсиз натижалар улуши, болаларда ригид ясси оёқ касаллигини янги жарроҳлик усулларида ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш, уларни кенг миқёсда жорий этишни зарур қилиб кўяди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд болаларда ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усулларида такомиллаштириш орқали даво натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:**

ригид ясси оёқ касаллигида ўтказилган клиник-инструментал тадқиқот натижаларига асосан деформациянинг клиник вариантларини аниқлаш;

ригид ясси оёқ касаллигида болдир мушакларининг функционал ҳолатини баҳолаш асосида даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

ригид ясси оёқ касаллигини даволашда самарали жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш;

жарроҳлик амалиётларидан кейинги гуруҳлардаги натижаларни қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида асосий гуруҳни 2019-2023 йиллар мобайнида 51 нафар ригид ясси оёқ касаллиги ташхиси билан янги таклиф этилган жарроҳлик усули билан даволанган бемор болалар ва қиёсий гуруҳга 2016-2019 йиллар мобайнида даволанган 25 нафар анъанавий усул –

артрорез Эвенс операцияси қўлланилган беморлар болалар олинган, қиёсий гуруҳ беморлар камлиги учун адабиётлардан О.А. Данилов, А.В. Шульга (2020) жаррохлик усули ўтказилган ригид шаклдаги ясси оёқлик мавжуд 15 нафар болалар бемор болалар тахлили хам ўрганилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд беморларда ўтказилган клиник-инструментал (клиник, рентгенологик, МРТ, плантографик ва подометрик, электромиографик ва юриш акти биомеханикаси) текшириш натижалари ва уларнинг статистик таҳлиллари маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш давомида клиник, рентгенологик, МРТ, подометрия, плантография, электромиография, юриш акти таҳлили ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

ригид ясси оёқ касаллигида оёқ панжаси гумбазининг текисланиши ва болдир-ошиқ бўғими вальгус ҳолатлари турғун эканлиги, болдир соҳасидаги пронатор мушаклардаги дегенератив ўзгаришлар - оёқ панжаси соҳасидаги оғрик, толиқиш каби клиник белгиларнинг ривожланишига тўғри пропорционаллиги исботланган;

ригид ясси оёқ касаллигида МРТ текширувлари орқали болдирнинг пронатор мушаклари дегенератив ўзгаришлари даражаси хамда электромиографик импульс ўтказувчанлиги кўрсаткичлари асосида пронатор мушаклар спазми, супинатор мушаклар чўзилиши ва тонус пасайиши аниқлаш орқали даволаш тактикасини танлаш имконияти асосланган;

ригид ясси оёқ касаллигида кичик болдир мускули узун пайини (*m.peroneus longus*) оёқ кафти ички томонига кўчириш, болдир орқа мускул пайини қисқартириш, қайиқсимон ва ички понасимон суяклар артродези орқали бажарилган жаррохлик амалиёти оёқ панжасининг анормал турғун пронатор ҳолатини мобил вариантга айланишига ва оёқ панжаси гумбазининг нормал кўрсаткичларгача тикланишига хамда беморлардаги мавжуд клиник белгиларнинг йўқолишига имкон яратиши исботланган;

оёқ панжаси ва болдир соҳаси мушакларидаги патологик ва функционал ўзгаришларни баҳолаш учун ўтказилган GAIT тадқиқотлари натижалари асосида беморларда ернинг реакция кучи вертикал компонентининг 0,7дан 0,85гача, олд-орқа компонентининг 0,19дан 0,23гача, медиал-латерал компонентининг 0,04дан 0,025гача ўзгарганлиги, яъни меъёрий ҳолатга яқинлашганлиги аниқланган ва юриш актининг самараси ошганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

болаларда ригид ясси оёқ касаллигининг ташхислашда кичик болдир узун мушаги спастик ҳолатини инобатга олиш, ташхислаш жараёнини ва касалликни даволаш сифатни оширишга, турли асоратлар ва қоникарсиз натижалар улушини камайтириш имконини яратиши исботланган;

болаларда ригид ясси оёқ касаллигининг хирургик даволашда таклиф этилган жарроҳлик амалиётини қўллаш беморларнинг даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, даволаш муддатини қисқартириш, касалликнинг реабилитацияси муддатининг камайиши имконини бериши исботланган;

болаларда ригид ясси оёқ касаллигининг хирургик даволаш усулларидаги дифференциал ёндашув даволашнинг “яхши” натижаларини 88% гача, ва “қониқарсиз” натижаларини 4% гача камайтириш имконини берганлиги исботланган;

ригид ясси оёқ касаллиги бор бемор болаларда ГАИТ тадқиқотини ўтказиш динамикада оёқ болдир ва қафт соҳаси мушаклардаги патологик функционал ўзгаришлари аниқлаш, тўғри жарроҳлик тактикасини танлаш ва реабилитация даврини тўғри ўтказишга имкон берганлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий ишда қўлланилган усуллар, тадқиқотдаги беморлар сонининг етарлилиги, клиник, рентгенологик, МРТ, плантография, подометрия, электромиография, юриш акти таҳлили текширув усулларида олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд болаларда МРТ текширувлари орқали болдирнинг пронатор мушаклари дегенератив ўзгаришлари даражаси ҳамда электромиографик импульс ўтказувчанлиги кўрсаткичлари асосида пронатор мушаклар спазми, супинатор мушаклар чўзилиши ва тонус пасайиши аниқлаш, ГАИТ тадқиқотлари натижалари асосида мушакларидаги патологик ва функционал ўзгаришларни баҳолаш орқали ташхислаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиб, жарроҳлик аралашувига дифференциал ёндашилиб, оптимал жарроҳлик даво усулларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болалар ортопедияси амалиётида ригид ясси оёқ касаллигининг хирургик даволашда оёқ панжаси гумбазининг текисланиши ва болдир-ошиқ бўғими вальгус ҳолатлари турғун эканлиги, болдир соҳасидаги пронатор мушаклардаги дегенератив ўзгаришларни тиклашга асосланган хирургик даволаш усуллари натижалари, даволаш сифати ва самарадорликнинг ошиши, даво муддатларининг қисқариши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йилнинг 15 январдаги 8н-д/11-сон йиғилиши баённомасига асосан (Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 24.12.2024 йилдаги 06 –6587 –сон хати юборилган):

**биринчи илмий янгилик** ригид ясси оёқ касаллигида оёқ панжаси гумбазининг текисланиши ва ошиқ ости бўғими вальгус ҳолатлари турғун эканлиги, болдир соҳасидаги пронатор мушаклардаги дегенератив ўзгаришлар - оёқ панжаси соҳасидаги оғрик, толиқиш каби клиник белгиларнинг ривожланишига тўғри пропорционаллиги исботланган.

Натижалар Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (6.12.2024 йил №103) ва Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.12.2024 йил №210), травматология ва ортопедия бўлимида амалиётига жорий қилинган. *Илмий янгиликни ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: клиник ва рентгенологик, МРТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида болдир соҳасидаги пронатор мушаклардаги дегенератив ўзгаришларнинг даражаси ортиб бориши билан, беморлардаги клиник белгилар ортиб боришини аниқлаш даволашнинг функционал ва анатомик натижаларини яхшилади, умумий даволаниш вақтини қисқартирди, эрта реабилитацияни бошлаш ва бўғим функциясини тўлиқ тиклаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ригид ясси оёқ касаллигида диагностикаси комплекс равишда бўлиши ва унинг клиник, подометрик ва рентген текширувларни МРТ билан тўлдириш тавсия этилиши, рентгенологик, подометрик ва МРТ текширувларга кўра, ригид ясси оёқ касаллиги бўлган бемор болаларда жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм асоратларни олдини олиш учун тўғри жарроҳлик даволаш тактикасини танлашга имкон бериш натижасида қиммат имплантлардан фойдаланмаслини 1 500 000 сўм иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* ригид ясси оёқ касаллигининг хирургик даволашнинг оптималлаштирилган усулини танлаш тактикасини қўллаш, нотўғри ва қиммат даво турларини қўлламаслик ҳисобига маблағларни иқтисод қилишга имкон берган.

**иккинчи илмий янгилик:** ригид ясси оёқ касаллигида МРТ текширувлари орқали болдирнинг пронатор мушаклари дегенератив ўзгаришлари даражаси ҳамда электромиографик импульс ўтказувчанлиги кўрсаткичлари асосида пронатор мушаклар спазми, супинатор мушаклар чўзилиши ва тонус пасайиши аниқлаш орқали даволаш тактикасини танлаш имконияти асосланган. Натижалар Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (6.12.2024 йил, №103) ва Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.12.2024 йил №210), травматология ва ортопедия бўлимида амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагиларданиборат: жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш оёқ кафти гумбазини ва функционал холатини меъёрий кўрсаткичкача тикланишига, эрта реабилитация бошлаш имконияти туфайли кониқарсиз натижалар улушини 20%гача камайтиришга имкон беради; асоратларнинг камайиши, стационар даво муддатининг қисқариши, реабилитация муддатларининг камайиши, 88% ҳолларда яхши натижалар олиш имконини беради; таклиф этилган жарроҳлик даволаш усулидан фойдаланиш болаларда ригид ясси оёқ касаллигини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 5 кунгача қисқарттириб, давлат томонидан

шифохонага бериладиган дори-дармон 7 кунлик ( 260 000 сўм) тежалишига олиб келган; -юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш уларнинг кейинчалик қайталаниш сабабларини бартараф этиш имконини беради. *Хулоса:* ригид ясси оёқ касаллигида МРТ текширувлари орқали болдирнинг пронатор мушаклари дегенератив ўзгаришлари даражаси ҳамда электромиографик импульс ўтказувчанлиги кўрсаткичлари асосида пронатор мушаклар спазми, супинатор мушаклар чўзилиши ва тонус пасайиши аниқлаш, даволаш тактикасини танлашга ва реабилитацияни эрта бошлашга имкон берди.

**учинчи илмий янгилик:** ригид ясси оёқ касаллигида кичик болдир мускули узун пайини (m.peroneus longus) оёқ кафти ички томонига кўчириш, болдир орқа мускул пайини қисқартириш, қайиқсимон ва ички понасимон суяклар артродези орқали бажарилган жаррохлик амалиёти оёқ панжасининг анормал турғун пронатор ҳолатини мобил вариантга айланишига ва оёқ панжаси гумбазининг нормал кўрсаткичларгача тикланишига ҳамда беморлардаги мавжуд клиник белгиларнинг йўқолишига имкон яратиши исботланган. Натижалар Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (6.12.2024йил №103) ва Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.12.2024йил №210), травматология ва ортопедия бўлимида амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: Олинган натижалар ригид ясси оёқ касаллиги бўлган болаларни сифатили даволаш самарадорлигини оширишга ва турли имплантларга бўлган талабни камайтириш имконини берган шу билан бирга даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: беморнинг шифохонадаги даври учун:- имплант кўйиш операцияси билан таклидф этилган жаррохлик муолажасининг фарқи 7000000 сўм иқтисод қилишга имкон беради. *Хулоса:* ригид ясси оёқ касаллигида кичик болдир мускули узун пайини (m.peroneus longus) оёқ кафти ички томонига кўчириш, болдир орқа мускул пайини қисқартириш, қайиқсимон ва ички понасимон суяклар артродези орқали бажарилган жаррохлик амалиёти оёқ панжасининг анормал турғун пронатор ҳолатини мобил вариантга айланишига ва оёқ панжаси гумбазининг нормал кўрсаткичларгача тикланишига ҳамда беморлардаги мавжуд клиник белгиларнинг йўқ олиши 1 бемор учун 2 255 000 сўм иқтисоди имконини берган.

**тўртинчи илмий янгилик:** оёқ панжаси ва болдир соҳаси мушакларидаги патологик ва функционал ўзгаришларни баҳолаш учун ўтказилган GAIT тадқиқотлари натижалари асосида беморларда ернинг реакция кучи вертикал компонентининг 0,7дан 0,85гача, олд-орқа компонентининг 0,19дан 0,23гача, медиал-латерал компонентининг 0,04дан 0,025гача ўзгарганлиги, яъни меъёрий ҳолатга яқинлашганлиги аниқланган ва юриш актининг самараси ошганлиги исботланган. Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (6.12.2024йил №103) ва Наманган

вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (17.12.2024йил №210), травматология ва ортопедия бўлимида амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: ГАИТ тадқиқотларидан ригид ясси оёқ бўлган беморларнинг ернинг реакция кучи вертикал компонентининг 0,7дан 0,85гача, олд-орқа компонентининг 0,19дан 0,23гача, медиал-латерал компонентининг 0,04дан 0,025гача ўзгарганлиги, юриш актининг самараси ошганлиги исботланган 88% ҳолларда яхши натижаларга эришишга имкон беради, стационар даволанишнинг қисқа муддати ва оёқ кафти ва ошиқ бўғимларининг функционал тикланиш вақтини қисқартириш билан даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 5 кунгача қисқартириб, давлат томонидан шифохонага бериладиган дори-дармон ва овқатни 7 кунлик тегалишига олиб келган; юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш уларнинг кейинчалик динамик ҳолатда кузатиш имконини беради. *Хулоса:* ГАИТ тадқиқот натижалари ригид ясси оёқ касаллигининг тавсия қилинаётган усулда даволаш, самарадорлигини баҳолаш имконини берди, реабилитация кунларини қисқартириш ва касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган. Ишлатиладиган дори-дармон 7 кунлик ( 260 000 сўм )тежалишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 таси республика, 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятига асосланган, изланишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотларга бағишланади.

Диссертациянинг «**Болаларда ясси оёқликни замонавий ҳолати, эпидемиолигияси, ташхислаш ва даволашнинг замонавий муаммолари (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи боби болаларда яссиоёқликнинг этиопатогенези, клиник кўринишлари, диагностика ва даволашнинг мавжуд усуллари бўйича замонавий адабиётларни таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу патологияни ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағишланган тиббий маълумотларлар таҳлили ўтказилган, консерватив ва жарроҳлик даволашнинг мавжуд усуллари тавсифи берилган. Боб қисқача хулоса билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Болаларда ригид ясси оёқлик касаллиги умумий характеристикаси. Тадқиқот дизайни, материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморлар, клиник, инструментал текшириш натижалари (рентгенография, плантография, подошграфия, Gait таҳлили) ва статистик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ушбу диссертация тадқиқот иши ригид яссиоёқлик мавжуд 76 нафар бемор болаларнинг клиник ва инструментал тадқиқот усуллари маълумотларини ўз ичига олган бўлиб, тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий – амалий тиббиёт маркази ва Андижон давлат тиббиёт институти клиник базаларида, 2016 – 2023 йиллар мобайнида амалга оширилган.

Ушбу илмий тадқиқот иши учун асосий ҳужжатлар сифатида стационар шароитда даволанган беморларнинг касаллик тарихлари баённомалари, жарроҳлик амалиёти протоколлари, амалиётдан олдинги ва кейинги рентген, мультиспирал компьютер томографияси, электронейромиография текширув усуллари натижалари олинди.

Барча 76 нафар беморлар икки: асосий ва қиёсий гуруҳларга бўлиниб ўрганилди.

- асосий гуруҳни 2019-2023 йиллар мобайнида 51 нафар ригид ясси оёқ касаллиги ташхиси билан таклиф этилган жарроҳлик усули билан даволанган бемор болалар ташкил этишди;

- қиёсий гуруҳга 2016-2019 йиллар мобайнида даволанган 25 нафар анъанавий усулда даволанган беморлар киритилди;

Беморлар жинс категориясига кўра кўпчилик ҳолларда йигит болалар орасида учраши аниқланди, асосий гуруҳда 1,25:1 ва қиёсий гуруҳда эса тахминан 1,08:1 нисбатда белгиланди.

Ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд беморларни касаллик тури бўйича бўлинганида асосий гуруҳ беморларида орасида комбинацияланган тури кўпроқ учраган бўлса, яъни асосий гуруҳда 31 (%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда эса 5 (%) ҳолатда, бўйлама тури қиёсий гуруҳда кўпроқ учраши белгиланди, яъни асосий гуруҳда 20 (%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда 17 (%) ҳолатда. Кўндаланг ясси оёқлик эса фақатгина қиёсий гуруҳ беморларида 3 (%) ҳолатда аниқланиб, асосий гуруҳ беморлари орасида ушбу турдаги патология билан беморлар белгиланмади. Айтиш жоизки, ёш гуруҳлари орасида беморлар учраш частотасини таҳлил қилганимизда, иккала гуруҳда ҳам ушбу патология билан беморлар 11-15 ва 16-18 ёш орасида кўпчиликни ташкил қилишди.

Ригид ясси оёқ касаллиги орттирилган ҳолатда юзага келиб, асосий гуруҳ беморлари орасида 41 (%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда 16 (%) ҳолатда орттирилган шакли устунлик билан белгиланди ва шунга мос равишда ушбу касалликнинг туғма шакли асосий гуруҳда 10 (%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда 9 (%) ҳолатда аниқланди. Юқорида таъкидлагимиздек, иккала гуруҳ беморлари орасида ҳам ушбу касаллик 11-15 ва 15-18 ёш орасида кўпчиликти ташкил қилишди.

Касаллик этиологик факторларга кўра беморлар статик ва паралитик формалари билан беморлар учради. Иккала қиёслама гуруҳда ҳам статик этиологияли беморлар кўпчиликти ташкил этиб, асосий гуруҳда 35 (%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда 14 (%) ҳолатда белгиланди ва шунга мос равишда паралитик формали ригид ясси оёқ касаллиги асосий гуруҳда 16 (%) ва қиёсий гуруҳда эса 11 (%) ҳолатларда белгиланди.

Диссертациянинг «**Ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд беморлар клиник - инструментал тадқиқот усуллари натижалари, даво тактикасига дифференциал ёндашув**» деб номланган учинчи бобида ушбу беморларнинг касаллик даврлари, Myerson (1989) ва клиникада таклиф этилаётган ЭХМ программа билан беморлар тавсифланиши келтирилган. 25 нафар қиёсий гуруҳ беморлари Myerson (1989) таснифи бўйича даврларга бўлинишди. Бунда беморлар орасида III давр оғирлик даражасидаги беморлар кўпчиликти ташкил этиб, туғма шакли ясси оёқлик мавжуд беморлар орасида 20%, орттирилган шакли ясси оёқлик гуруҳида эса 28% ҳолатларда учради. II ва IV даврли беморлар нисбатан камроқ ҳолатларда белгиланди, аммо шулар орасида IV даврли оғирлик даражали орттирилган шакли яссиоёқлик 20% ва II даврли орттирилган шакли ясси оёқлик 16% ни ташкил этди.

51 нафар асосий гуруҳ беморлари касаллик даврларига кўра бўлиниши клиникамизда таклиф этилаётган ЭХМ дастури клиник мезонлари асосида амалга оширилди. Бунда кўшимча равишда III ва IV даврларида кичик болдир мускул узун пайини спастик контрактураси мавжудлигини инобатга олган ҳолда ушбу гуруҳлар ҳар бири А ва В кичик гуруҳларга бўлинишди, яъни ушбу категорияли беморларда касалликнинг оғир шакли ташхисланди. Myerson таснифининг 6 та клиник мезонларига кўшимча равишда 7 - клиник мезонни қўшиш оёқ панжасидаги патоморфологик ўзгаришларни тўлақонли тавсифлаш имконини берди. асосий гуруҳ беморларида касалликнинг III ва IV даври турлари касаллик оғирлик даражаси нуқтаи назаридан табақалаштирилди ва III даври 22 нафар беморларда, IV даври 16 нафар беморларда ташхисланди. Ушбу беморлар маълумотларини синчиклаб текширганимизда, 9 клиник ҳолатда III А, 13 ҳолатда III В, 8 ҳолатда IV А ва 8 клиник ҳолатда IV В даврлари белгиланди. II даврли касаллик мавжуд беморлар нисбатан озчиликни ташкил этиб, 13 клиник ҳолатда белгиланди, шулардан туғма шакли 2 ҳолатда ва орттирилган шакли 11 клиник ҳолатда қайд этилди.

Беморлар рентгенография усулида текширилганда Ригид ясси оёқ касаллиги II даври мавжуд иккала қиёслама гуруҳлари беморлари орасида II даражали, яъни оёқ кафти ички гумбази баландлиги 25-28 см гача бўлган беморлар асосий гуруҳда 5 (6,57%) нафарни, қиёсий гуруҳда 2 (2,6%) ни, III даражали, яъни оёқ кафти ички гумбази баландлиги 5-17 см гача бўлган

беморлар эса асосий гуруҳда - 8 (10,5%) ни ва қиёсий гуруҳда 3 (3,9%) тани ташкил этишди. Касалликнинг III даври мавжуд беморлар маълумотлари таҳлил қилганимизда, II даражали ясси оёқлик асосий гуруҳда 9 (11,8%) ҳолатда, қиёсий гуруҳда 6 (7,8%) ҳолатда қайд этилган бўлса, III даражали ясси оёқлик асосий гуруҳда 13 (17,1%) ҳолатда, қиёсий гуруҳда эса 8 (10,5%) ҳолатда аниқланди.

Касалликнинг IV даври маълумотлари таҳлили, II даражали ясси оёқлик асосий гуруҳда 7 (9,2%) ни, қиёсий гуруҳда 3 (3,9%) ни, III даражали ясси оёқлик эса асосий гуруҳда 9 (11,8%) ни ва қиёсий гуруҳда 3 (3,9%) ни кўрсатди.

Ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд беморларда рентгенография инструментал тадқиқоти қуйидаги бурчакли кўрсаткичлар натижалари роли муҳимлигини кўрсатиб ўтди:

- Talonavicular coverage angle – талонавикуляр қамров бурчаги;
- Lateral talar - 1st metatarsal angle – тарсал-метатарсал бурчак;
- Calcaneal pitch – товон суяги оғиш бурчаги;
- Lateral talocalcaneal angle – тарсал-товон бурчаги;

Ригид ясси оёқ касаллиги мавжуд беморларда ошиқ суяги бошчаси ярим чиқишини ташхислаш мақсадида талонавикуляр қамров бурчаги кўрсаткичи натижалари таҳлил қилинганда, II давр касаллик мавжуд 18 нафар беморлардан 13 нафар асосий гуруҳ ва 5 нафар қиёсий гуруҳ натижаларида жуда юқори даражали статистик ишончлилик билан фарқлилик аниқланди ( $<0.001$ ) ва мос равишда асосий гуруҳда  $18,4 \pm 1,2$  ва қиёсий гуруҳда  $14,5 \pm 1,1$  ни ташкил этди. Худди шундай натижа касалликнинг IV даври мавжуд 22 нафар беморларда кузатилиб, 16 нафар асосий гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткич  $35,7 \pm 1,5$  ва 6 нафар қиёсий гуруҳда  $33,7 \pm 1,2$  лиги белгиланди ( $<0.001$ ). Касалликнинг III даври мавжуд 36 нафар беморларидан 22 нафар асосий гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткич  $31,8 \pm 1,5$  ва 14 нафар қиёсий гуруҳ беморларида эса  $29,4 \pm 1,4$  ни ташкил этиб, натижалар одатий даражадаги статистик ишончлилик билан фарқланди ( $<0.05$ ). Болаларда ригид ясси оёқ касаллиги ривожланиш даражасини аниқлаш мақсадида тарсал-метатарсал бурчак кўрсаткичи натижаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Нормда ушбу кўрсаткич қиймати  $4^\circ$  дан ошмайди. II давр касаллик мавжуд беморларда 8 нафар асосий гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткич қиймати  $7,3 \pm 1,0$  ни ташкил этган бўлса, 5 нафар қиёсий гуруҳ беморларида  $6,2 \pm 1,2$  лиги қаёд этилди ва олинган натижалар орасида юқори даражадаги статистик ишончлилик фарқи белгиланди ( $<0.01$ ). III даврли касаллик мавжуд 36 нафар беморлардан 22 нафар асосий гуруҳ беморларида тарсалметатарсал бурчак қиймати  $12,6 \pm 1,1$  ни, қиёсий гуруҳда эса  $11,6 \pm 1,5$  ни ташкил этди, юқори даражадаги статистик ишончлилик белгиланди ( $<0.01$ ). Қолган 22 нафар IV даврли касаллик мавжуд беморларнинг ушбу кўрсаткич натижаларида ҳам юқори даражадаги статистик ишончлилик қайд этилди ( $<0.01$ ).

Болаларда ригид ясси оёқ касаллиги патологиясида товон суягининг олд қисми нисбатан горизонтал юзага яқинлашган, яъни товон суяги оғиш бурчаги камайганлигини кўриш мумкин, нормада ушбу кўрсаткич  $17-22^\circ$  дан юқори бўлиб ҳисобланади. Натижаларни таҳлил қилишни давом эттирган ҳолда, II даврли касаллик мавжуд 13 нафар беморларда ушбу кўрсаткичнинг

нормал қийматлардан камайганлиги қайд этилди. 8 нафар асосий гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткич  $15,4 \pm 1,5$  ни, қиёсий гуруҳда эса  $16,7 \pm 1,4$  ни ташкил этди ( $<0.05$ ). III даврли касаллик мавжуд 36 нафар беморларда товон суяги оғиш бурчаги II даврли касаллик мавжуд беморларга нисбатан сезиларли кўрсаткичларда пасайганлиги қайд этилди ( $<0.01$ ). IV давр касаллик мавжуд 22 нафар беморларда ушбу кўрсаткич одатий даражадаги статистик ишончлилик билан олдинги давр гуруҳларидаги олинган натижаларга нисбатан пасайганлигини кўриш мумкин, 16 нафар асосий гуруҳ беморларида  $8,8 \pm 1,1$  ни, қиёсий гуруҳ беморларида эса  $10,7 \pm 1,2$  ни ташкил этди, яъни касаллик даври ошиб бориши билан товон сяги оғиш бурчаги пасайиб бориши бидан намоён бўлди ( $<0.05$ ).

Охири рентгенологик бурчакли кўрсаткич бўлиб тарсал-товон бурчаги кўрсаткичи хизмат қилди. Нормада ушбу кўрсаткич қиймати  $25-45^\circ$  дан ошмаслиги лозим. Касаллик даври ошиб бориши ушбу кўрсаткич қиймати ошиб боришига тўғри пропорционаллиги қайд этилди. II давр касаллик мавжуд 13 нафар беморлардан 8 нафар асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич  $48,7 \pm 1,6$  ни ва 5 нафар қиёсий гуруҳ беморларида  $47,9 \pm 1,1$  ташкил этиб, касаллик даври оғирлашиб бориши билан ушбу кўрсаткич қиймати ҳам ошиб борди. IV давр касаллик мавжуд 16 нафар асосий гуруҳ беморларида тарсал-товон бурчаги қиймати  $55,4 \pm 1,2$  га ва 6 нафар қиёсий гуруҳ беморларида эса  $53,6 \pm 1,6$  гача ошиб бориши белгиланди. Барча ҳолатларда олинган натижаларда жуда юқори даражадаги статистик ишончлилик қайд этилди ( $<0.001$ ).

Болаларда ригид ясси оёқ касаллиги келиб чиқишида тарзал коалициянинг роли каттадир. Адабиётларда ва бизнинг клиник мисолларимизда тарзал коалициянинг толали, тоғайли ва суякли турлари фарқланилди. Тадқиқот ишимизни олиб бриш давомида 51 нафар асосий гуруҳ беморларидан 31 (61%) нафарда ригид ясси оёқ касаллигининг этиологик фактори сифатида тарзал коалициянинг мавжудлиги олинди ва жарроҳлик усулини танлашда табақалштирилган ёндашувни таъминлаб берди. Тарзал коалицияни ташхислашда магнит резонанс томография усули қўлланилди. Ушбу патологиянинг роли беморларда касаллик даври ва беморлар ёши билан корреляцияси аниқланди.

Бизга маълумки, оёқ панжаси ясси оёқ ҳолатида бўлганда пронатор мускулларининг калталашган ҳолати (спазм) ва супинатор мускулларининг меъёрдан ортикча чўзилганлиги, мускул тонуси бўшашганлиги аниқланади. Тадқиқот мақсадида пронатор гуруҳи мускулларидан “кичик болдир узун” мускули ва супинатор гуруҳи мушакларидан “болдир олдинги” мускули танлаб олиниб, уларнинг электромиографик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Юриш, қадам ташлаш - бу юқори автоматлаштирилган тизимли жараён бўлиб, таянч ҳаракат ва марказий нерв тизимларининг ўзаро ҳамоҳанг фаолияти натижасидир. Юриш мураккаб жараён бўлиб, нормада инсон ҳаракат акти бошқарилиши аниқ стандартлар асосида амалга оширилиб, қадам босиш стереотипи юқори даражадаги вақтли, фазовий, кинематик, динамик ва регулятор параметр ва механизмлар ёрдамида бошқарилади. Патологик ҳолатларда бу стереотип бузилади ва янги патологик юриш типи юзага келади. Ушбу патологик ҳаракат стереотипларини ўрганиш асосида касаллик сабаби ва патогенези ташхисланади, ҳамда турли клиник

ҳолатларда индивидуал ва клиник вариантлар ажратилади. Бизнинг клиник ҳолатларимизда, асосий гуруҳ беморларини ташхислаш ва даволаш жараёнларида юриш ва қадам ташлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имконини берадиган замонавий тадқиқот усулларидадан бўлган GAIT тадқиқот усулини қўллаб ўргандик. Ушбу тадқиқот асосида stride time (юриш вақти) (s), stance time (тик туриш вақти) (s), swing time (тебраниш вақти) (s), stance phase (тик туриш фазаси) (%), swing phase (тебраниш фазаси) (%), single support phase (бир томонлама таяниш даври) (%), double support phase (икки томонлама таяниш даври) (%), mean velocity (ўртача тезлик) (m/s) ва cadence (қадамлар сони) (steps/min) каби кўрсаткичлар натижалари таҳлил қилинди. Ушбу кўрсаткичлар касаллик даврларига кўра таҳлил қилинди.

Ригид ясси оёқ касаллигининг даволашнинг ишончли усули бу жарроҳлик усули бўлиб ҳисобланади. 51 нафар асосий гуруҳ беморларимизда, даволашга кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва даво тактикасини танлашга дифференциал ёндашилиб, ўтказилган рентгенография, МРТ ва электромиография текширувлари натижалари хизмат қилди.

**Рентгенография** усули натижаси асосида касаллик даврларида оёқ панжаси кафти гумбази бурчаги ҳолати (II ва III даражалар) ва талонавикуляр қамров бурчаги қиймати инобатга олинди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Ригид ясси оёқ касаллигимавжуд беморларда касаллик давларида оёқ кафти гумбази баландлиги ва бурчаги, ҳамда талонавикуляр қамров бурчақлари қийматлари таҳлили

Касаллик даври	II давр	III давр	IV давр
	Ас. гр. (n=13) M±m	Ас. гр. (n=13) M±m	Ас. гр. (n=22) M±m
Гумбаз баландлиги ва бурчаги			
II давр. (25-28 мм) / (141-155°)	27,3±2,4	144,9±8,9	26,4±1,7
III давр. (5-17 мм) / (>155°)	12,9±1,8	157,7±6,4	8,6±2,2
Талонавикуляр қамров бурчаги (≤7°)	18,4±1,2	31,8±1,5	35,7±1,5

1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида касаллик давлари ошиб бориши билан оёқ кафти гумбази баландлиги кўрсаткичи пасайиши тескари пропорционал ва оёқ кафти гумбази бурчаги ошиши билан эса тўғри пропорционаллиги белгиланди. Талонавикуляр қамров бурчаги кўрсаткичи қийматларини таҳлил қилганимизда касаллик даври ошиб бориши билан ушбу бўрчак қиймати ошиб боради, яъни ошиқ суяги бошчаси медиал томонга чиқиши кузатилади. Ушбу кўрсаткичлар ўзгаришлари қиймати асосида касаллик давлари ташхисланади, ҳамда кафт усти ва кафт соҳаси бўғимлари ҳолати, улардаги мобиллик даражаси ва иккиламчи ўзгаришларнинг мавжудлиги ҳақида фикр уйғотади. Қўшимча равишда касалликнинг III ва IV давларида кўпчилик ҳолларда суяк кўшилмалари (коалиция) мавжудлигини инобатга олиб беморларга МРТ текшируви ўтказиш тавсия этилади.

**МРТ усули** натижалари касалликнинг турли давлари мавжуд беморларда, айниқса оғирроқ III ва IV давларида оёқ кафт усти суяклари орасида суяк битишларига шубҳа бўлганда МРТ текшируви ўтказилди, олинган натижалар даво тактикасини танлашда хизмат қилди (2-жадвал).

**2-жадвал**


**Ригид ясси оёқ касаллигимавжуд беморларда касаллик давларида суяк битишмалари мавжудлиги бўйича натижалар таҳлили**

Касаллик даври Коалиция турлари	II давр		III давр		IV давр	
	Ас. гр. (n=3/13)		Ас. гр. (n=12/22)		Ас. гр. (n=16/16)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
<i>Суякли (n=12)</i>	0	0	4	7,8%	8	15,7%
<i>Тоғайли (n=14)</i>	2	3,9%	5	9,8%	7	13,7%
<i>Толали (n=5)</i>	1	1,9%	3	5,9%	1	1,9%

51 нафар асосий гуруҳ беморларидан 31 (60,6%) нафаридида суяклараро битишмалар мавжудлиги МРТ хулосасига биноан ташхисланди. Шуларда 12 нафаридида суяк формаси, 14 нафаридида тоғай ва қолган 5 нафаридида толали формалари аниқланди. Яна таъкидлаш жоизки, касаллик даври ошиши билан коалиция юзага келиш ҳолати ошиши тўғри пропорциоаналдир. Касалликнинг II даврида 3 ҳолатда, III даврида 12 ҳолатда ва ниҳоят касалликнинг IV даврида 100% ҳолатлар коалиция мавжудлиги белгиланди. Айтиш жоизки, коалиция мавжудлиги жарроҳлик даво усулини танлашга асосий кўрсаткичлардан бўлиб хизмат қилди, яъни коалиция мавжуд ҳолатда биринчи навбатда уни бартараф қилиб, сўнгра яссиоёқлик коррекция қилинади.

Даво усулларида кўрсатмалар ишлаб чиқишда 3 клиник мезон бўлиб ЭМГ натижалари қийматлари хизмат қилди.

